



Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь кунин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида 22 июнь кунин ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтидилар.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Хитой Раисини мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, дўст хитой халқига самимий хурматини изҳор этди.

Биз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ушбу давлат ташрифини изчил ривожлантириш бораётган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич, томонларнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деди Ислам Каримов.

ХХР Раиси Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи билан мамун эканини билдириб, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиш бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига хурматим билади. 2013 йилда Самарқандни, кеча Бухорони кўриб, ўзбек халқининг юксак салоҳиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори муттаҳсил ортомқда. Ўзбекистон бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишга ишончимиз, ўзаро ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз, деди Си Цзиньпин.

Ўзбек ва хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳаларни қамраб олган. Бу алоқалар Стратегик шериклик ўрнатил

тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор ҳужжатлар асосида изчил тараққиёт этмоқда.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин мунтазам учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келган. Президентимиз 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин 2015 йил сентябрда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтган тадбирлар доирасида ҳам учрашдилар.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, иқтисодиёт, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмиси ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қўлайлик яратилган тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттаҳсил бўлиб бормоқда. 2016

йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки — «Жиззах» махсус индустриал зонаси бунинг ёрқин намунасидир. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустриал зонада мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, куёш коллекторлари ва бошқа харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг «Политехноложи» компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазилар ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Хитой бизнес субъектлари Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводи қурилишида иштирок этган. «Huawei» компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилган. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанк кредитлари ёвзасига солиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан зиёд лойиҳа бажарилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташуш мамлакатимиз худуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина «Навоий» интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон — Хитой» ҳамда «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юрталари орасида талабалар алмасуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили

ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллиятлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай университети ҳўзуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмасувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кўнлари, бадий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин — Гран-прини Хитойнинг «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Самарқанд вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат худудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини имзоладилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсади белгиланган.

Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефть-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳўжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳўрриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Си Цзиньпин Мустақиллик майдонининг меъморий ечимини, чуқур мазмун-моҳиятига юқори баҳо берди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.



АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКISTONGA КЕЛДИ

Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хўсайн Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 22 июнь кунин Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг Покистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Покистон Президенти мамлакатимизга ташрифини қадимий Самарқандни зиёрат қилишдан бошлади. Олий мартабали меҳмон Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қайта қурилган

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Покистон Президентига буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой маънавий мероси, уни ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, улуг зот мангу қўним толган мажмуанинг яратилиш тарихи, мустақиллик йилларида ушбу масканда амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўзлаб берилди.

Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини ўзида мужассам этган макбара, айвон ва улкан масжид меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Мамнун Хўсайн Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, улар номи билан боғлиқ масканларни обод этиш борасида амалга оширилаётган

ишларга юксак баҳо бериб, ушбу маскан бутун мусулмон оламнинг муқаддас қадамжоларидан бири эканини таъкидлади.

Амир Темур макбараси зиёрати чоғида меҳмонга Соҳибқирон бобомизнинг давлатчилик тарихи, мамлакатда илм-фан, маданият, ҳўнармандликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари, бунёдкорлик салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Дунёга машҳур Регистон мажмуаси билан танишув ва бу ердаги миллий ҳўнармандлик буюмлари намойиши ҳам Покистон Президентидан катта таассурот қолдирди. Мирзо Улўғбек, Шердор ва Тиллакор мадрасалари халқимизнинг бой маданияти, аждодларимизнинг юксак ақл-заковатидан далолат бериши алоҳида қайд этилди.

ЎЗА.

ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирлари мажлиси

Тошкентда 2016 йилнинг 21-22 июнь кўнлари Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазири ўринбосари Галим Аҳмеджаров, Хитой Халқ Республикаси маданият вазири Ло Шуган, Қирғизистон Республикаси маданият ва туризм вазири Олтинбек Мақсұтов, Россия Федерацияси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Аристархов, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода ва ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов иштирок этди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов раислик қилди.

ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирлари ўтган даврда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни муҳокама қилди, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (Бишкек шари, 2007 йил 16 август) ва ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан фикр алмашди.

Томонлар ШХТ доирасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш,

ҳамфикрлик ва ўзаро ҳўрматни мустаҳкамлаш, ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг кўп асрлик миллий анъана ва урф-одатларини фаол тарғиб қилишга интилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, томонлар ШХТ қурастуви мамлакатлари ва мулоқот бўйича шериклиги билан маданият ва санъат соҳасида икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

Томонлар ШХТ минтақасида, жумладан, Буюк ипак йўлидаги маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш борасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мажлис иштирокчилари ШХТ минтақаси маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, меъморий ёдгорликлар маълумотлар базаси ва реестрини яратиш, маданий меросни ҳўмоялаш ва санъат асарларини реставрация қилиш, мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, маданий бойликларни ноқонуний олиб қириш ва олиб қиқишининг олдини олиш, ўзаро манфаатдор бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

Вазирлар маданият ва санъат соҳасида биргаликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш ва дунё халқлари маданияти ҳақидаги билимларни тарғиб этишга хизмат қилаётганини айтиб ўтди. Шу

аснода иштирокчилар 2015 йилда Ўзбекистонда ўтказилган «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалини юксак баҳолади ва бу фестиваль дунё халқларини мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқларни санъат орқали эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Иштирокчилар ШХТ мамлакатлари худудида, яъни Хитой Халқ Республикасида «Ипак йўли» халқаро санъат фестивали, Қирғизистон Республикасида «Арт-Ордо» халқаро театр фестивали, Россия Федерациясида «Бердэмлек — Содружество» санъат фестивали ва Тожикистон Республикасида «Чодари ҳаёл» халқаро қўғирчоқ театрлари кайд этди. Бундай тадбирлар ШХТга аъзо мамлакатлар бадий жамоаларини бир майдонда жамлаб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий колоритини намойиш этиш имкониятини яратди.

Томонлар меҳмондўстлик ва ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирлари мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА.



МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 22 июнь куні Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истикболли лойиҳаси ижроси — Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур гоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Қурилиш давомиди Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташини бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли тизимида ҳаракатланадиган «Ўзбекистон» йўловчи поезднинг Қамчиқ туннелидан ўтишига руҳбат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босдилар...

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўللар очиб, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий эътибор янги темир йўللар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўл тизimini барпо этишга қаратилди.

Амударё узра автомобил ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учкудук-Султон Увайс-Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Кейинроқ «аср муъжизаси» дея ном олган ноёб иншоот — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Темир йўл транспорт барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчиларимизнинг қуч-ғайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташинлар 1,5 баробар, йўловчи ташинлар 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташинган ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорт орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўлини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз



магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган энг юқори техник хусусиятлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электророз ва тепловозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғи барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши бу борада «кўприк» вазифасини ўтайди. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган туннель қурилишига умумий қиймати 455 миллион долларлик маблағ йўналтирилди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довои орқали ўтган Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташини имкониятини яратди. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўлини бўлиб хизмат қилади.

Бунёдкорлик ишларида «China Railway Tunnel Group» компаниясининг мингдан зиёд ишчи-мутахассислари, уч мингдан зиёд темирйўлчиларимиз, ўз юздан ортиқ электромонтажчи иштирок этди. Моҳир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда — ёз жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишни бир меъёрга олиб борди. Бу ўз самарасини берди.

Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрэн-Поп темир йўлининг Қамчиқ довоидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш, портлатиш ишлари бажарилди. Шунингдек, 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қурувлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказкич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди, 2 ним тортмиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин турар жой бинолари барпо этилди.

■ Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрэн — Поп темир йўлининг Қамчиқ довоидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель очилди.

— Темир йўл қурилиши соҳасида узок йиллардан бери ишлаб келаётганим боис Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, — дейди «China Railway Tunnel Group» қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. — Қурилиши низоҳасига етган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун нечоғли аҳамиятли эканини таърифлаш қийин. Темир йўл борган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. «Ўзбекистон танлаган» тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Буни мутахассисларнинг қуйдаги таҳлиллари ҳам тасдиқлайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчи ҳаётда кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлаб, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

— Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса биров ишонмасди. Боиси, Қамчиқ довоининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезд қатновини йўлга қўйиш ақлга сизмас иш эди-да, — дейди Тошкент вилояти Паркент туманида истиқомат қилувчи 79 ёшли меҳнат фахрийси Солиддин Салоҳиддинов. — Бунёдкор халқимизнинг азму-ишжоти, Президентимизнинг узокни кўзлаб амалга ошираётган оқил сиёсати ва ташаббуси билан бундай ҳаёлар ҳақиқатга айланди. Мустақиллик даври кишиларнинг ўткир зеҳни, собит қадамини, қатъий хоҳиш-иродаси ва меҳнатсеварлиги эвазига халқимизнинг яна бир орузи ушалди.

— Мазкур йўл иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлиши қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўнқоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратди, — дейди Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини топшириш гуруҳи раҳбари Наврўз Эркинов. — Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги жиҳатидан ўн учинчи, МДХ мамлакатлари орасида ягона бўлган Қамчиқ туннели Тошкент вилояти билан Наманган вилояти ўртасида робита вазифасини ўтайди. ... Дастлабки поезд Қамчиқ туннелини — Сардаладан бошлаб Чодак қишлоғигача бўлган масофани 16 дақиқада босиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ» билан Қамчиқ туннели ўртасида тўғридан-тўғри видеоалоқа ўрнатилди.

«China Railway Tunnel Group» компанияси раиси Юй Баоулин ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Очилбой Раматов Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг ишга туширилишга тайёр эканини маълум қилди.

— Биласиз, 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлаган, — дейди Андижон вилояти Хўжабод тумани «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Эл-юрт хурмати», «Дўстлик» ордени билан таърифланган Тоҳирхон Йўлдошев. — Сессияда мен ҳам қатнашганман. Ушунда давлатимиз раҳбари бир ангилликка эътиборимизни қаратди: Ангрэн-Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуриши мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан. Ушунда давлатимиз раҳбарининг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг юксак олқишига сазовор бўлган эди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлаётганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстлиқнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Хитой ва Ўзбекистон аҳил қўшини, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, мамлакатларимиз ўзаро муносабатлардаги самимият руҳини юксак қадрлайди. Келгусида биргаликда халқларимиз манфаатларида хизмат қилувчи янада катта ютуқларга эришамиз. Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўллари янада кенг ва порлоқ бўлишига ишонамиз, деди Си Цзиньпин.

Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва гоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серқирра, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилади.

Бундай юксак даражада осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Бу ютуқлар мазкур мамлакат томонидан миллий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси эканини алоҳида эътироф этиш лозим, деб ўйлаймиз. Давлатларимиз орасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида сўз кетганда, минтақа ривожланишининг муҳим қон томири ҳисобланган ва бугунги кунга келиб, тенг ҳуқуқлиқка асосланган манфаатли ҳамкорлик туфайли ўз мавқеини қайта тиклаётган Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Бу ҳаётини ҳақиқат Хитой Халқ Республикаси Раисининг Олий Мажлисидаги нутқида ҳам алоҳида қайд этилди. Айни пайтда

МУНОСАБАТ

Хитой Халқ Республикаси раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Президент Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

ТАРИХИЙ ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛИК

янги босқичга кўтарилмоқда



Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, ЎЗДП
фракцияси аъзоси:

— Тарихдан яхши маълумки, Ўзбекистон ва Хитой халқларининг ўзаро дўстона муносабатлари, ҳамкорлиги замоналар оша мустаҳкамланиб, янги маъно ва кўлам касб этиб келган. Ишонч билан айтиш кераки, бугун мана шу алоқаларда яна бир янги саҳифа очилди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги нутқини залда бевосита тинглаб, бу ҳақиқатга яна бир бор иқдор бўлдим. Мазкур маърузада таъкидланганидек, **Хитой билан Ўзбекистон манфаатлари ва тақдирини муштарак, қўбич ва ташвишнинг биргаликда баҳам кўрадиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шериклардир.** Бугун ана шу фикрлар чин маънода ҳаётда ўз ифодасини топаётганини ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ва бошқа кўлаб муҳим ҳужжатлар алоқаларимизнинг шартномавий-ҳуқуқий



Шухрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎЗДП
фракцияси аъзоси

— Учрашувда таъкидланганидек, Хитой Халқ Республикаси бугунги кунда мустаҳкам ва барқарор, жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёти, улкан табиий ва инсон ресурслари ҳамда асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган илмий-маданий салоҳияти билан нафақат, минтақа балки, дунёнинг энг қудратли мамлакатларидан бирига айланди.

Бундай юксак даражада осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Бу ютуқлар мазкур мамлакат томонидан миллий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси эканини алоҳида эътироф этиш лозим, деб ўйлаймиз. Давлатларимиз орасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида сўз кетганда, минтақа ривожланишининг муҳим қон томири ҳисобланган ва бугунги кунга келиб, тенг ҳуқуқлиқка асосланган манфаатли ҳамкорлик туфайли ўз мавқеини қайта тиклаётган Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Бундай юксак даражада осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Бу ютуқлар мазкур мамлакат томонидан миллий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси эканини алоҳида эътироф этиш лозим, деб ўйлаймиз. Давлатларимиз орасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида сўз кетганда, минтақа ривожланишининг муҳим қон томири ҳисобланган ва бугунги кунга келиб, тенг ҳуқуқлиқка асосланган манфаатли ҳамкорлик туфайли ўз мавқеини қайта тиклаётган Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Бу ҳаётини ҳақиқат Хитой Халқ Республикаси Раисининг Олий Мажлисидаги нутқида ҳам алоҳида қайд этилди. Айни пайтда

асосларини мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги кенг кўламли ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунга қуйидаги рақамлар ҳам мисол бўла олади. Жумладан, 2015 йилда Хитой билан Ўзбекистоннинг ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Эътиборли томони шундаки, бу кўрсаткич дипломатик муносабатлар ўрнатилган дастлабки йилга қараганда 70 баробардан кўпроқ ўсди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида халқимизга муносиб тўғри бўлган Ангрэн — Поп темир йўл линиясининг қуриб битказилишида ҳам хитойлик ҳамкорларимизнинг хизматларини эътироф этиш лозим.

Шу йилнинг февраль ойида Хитой билан Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлининг янги бўлини бўлган Ангрэн — Поп темир йўл линиясининг Марказий Осиёдаги энг узун туннели қурилиши низоҳасига етди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл магистраллини барпо этилиши иқтисодий ўсишнинг мустаҳкам коммуникацион асоси бўлиб, бу мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги ишончли инновацион иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилаётганини кўрсатмоқда.

Сўнги йилларда шина заводи, поливинилхлорид ва сода заводи бўйича лойиҳалар биргаликда амалга оширилди, пахтани қайта ишлашга доир ҳамкорлик йўлга қўйилди. Саноат соҳасида қоплама гишт, смартфон ишлаб чиқариш, терига ишлов бериш ва пойабзал тайёрлаш бўйича лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Биргаликда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли лойиҳалар келажакда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, пировардда ҳар икки томоннинг тараққиётига, юксалишига хизмат қилишига ишонаман.

Ўртасидаги алоқаларнинг, муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган. Олий Мажлисидаги учрашувда таъкидланганидек, сўнги йилларда талабалар алмашини, минтақаларо алоқалар, қўшма археологик экспедициялар ўтказиш, бадиий асарларни ҳар икки тилга ўгириш бўйича қатор ютуқларга эришилди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда очилган Конфуций институтини Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан зиёд мутахассис биттирди.

Ўзаро ҳамкорлиқнинг муҳим жиҳатлари ҳақида гап борганда, Буюк ипак йўли иқтисодий йўналишини биргаликда шакллантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Хусусан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик қаторида ноҳомашё соҳасидаги ҳамкорлиқни ҳам кенгайтириш, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар учун янада қулай шароитлар яратиш, маданият, таълим, туризм, археология соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш масаласи ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳамкорлик йўналишлари, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли алоқалар Ўзбекистон — Хитой дўстлигини янада мустаҳкамлайди, икки мамлакат халқлари ҳаётини манфаатларига хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.

ШАНХАЙ
ХАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИ

■ Ўзбекистон ҳозирги пайтга қадар ташкилотга икки маротаба, яъни 2003 — 2004 ва 2009 — 2010 йиллари раислик қилган.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг нуфузи ва таъсир доираси тобора ортиб бормоқда

**Абдуғаффор
ҚИРГИЗБОВЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, тарих
фанлари доктори,
профессор**



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўтган 15 йил мобайнида улкан имкониятларга эга бўлган ҳамда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётган нуфузли халқаро тузилмага айланди.

Мазкур ташкилотнинг ҳозирги кунда ичида мустақам оёққа туриб олгани, дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабат билдираётгани хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўлга эга эканлигидан далolat беради. Дастлаб ташкилот аъзолари сони олтига эди, айни кунда бу ташкилотга аъзо бўлиш истагидоғлар сони икки баробарга ошди.

Агар ШХТ доирасида қабул қилинган қарорлар аъзо мамлакатлар томонидан тўла маъқулланган тақдирдагина кучга кириши ва бу муносабатлар кўп томонлама қилинган орқали мустақамлаштиришни назарда тутсак, ШХТнинг катта обрў-этибор қозонишига сабаб бўлган омилларни аниқлашдек бўлади. Ташкилот ўз низомида белгиланганидек, айни кунда нафақат хавфсизлик, балки ижтимоий-иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт, коммуникация, сармоя ва гуманитар масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Булар ташкилотнинг очиклиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқлар тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далolatдир.

Юртбошимиз Ислам Каримов эътироф этганидек, «ШХТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли қафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир. Учинчидан, ШХТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига

қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок ҳусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда».

Бундан ташқари, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари «Шанхай жараёни»ларини тезлаштириш учун ташкилот иштирокидаги мавжуд қарорлар, декларациялар ва лойиҳаларни амалга оширишга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқдалар. Чунки ҳар қилинган қарорларнинг сўзсиз ва босқичма-босқич бажарилиши билангина самара беради. Бу «олтин қоида» ШХТнинг жиқлиги ва ушқоқлиги учун ўзига хос мезон бўлиб қолиши бежиз такрорланмаётган. Тан олиш керак, Афғонистонда давом этаётган мураккаб вазият туфайли Марказий Осиё хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақлаб қолётган минтақа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо бераётган экан, дунёда хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолаётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, Афғонистонда салкам 40 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мураккаб-лигига қолмоқда.

«Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Деярли барча давлатлар, жумладан, афғон муаммосини ечишга жалб қилинган мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, бевосита Афғонистондаги коалиция кучлари ҳарбий қўмондонлиги ҳам бу ҳақда сўз юритмоқда, — деб таъкидлади Ислам Каримов. — Бизнинг қатъий фикримизга кўра, ўз мамлакатининг муаммоларини афғон халқининг ўзи ҳал этиши керак. Фақат қарама-қарши томонларни муроасага келтириш, бу жараёнга афғонистонликларнинг ўзини жалб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан Афғонистонни социал-иқтисодий тиклаш

орқалигина боши берк кўчадан чиқиш йўлини топиш мумкин...»

Дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи истиқомат қилаётган ташкилот доирасидаги иккинчи устувор йўналиш бу, шубҳасиз, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласидир. Кузатувчиларнинг фикрича, ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ташкилотнинг Ишбилармонлик кенгаши, Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма каби янги тузилмалари самарали фаолият бошлагани ҳам шундан далolatдир.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги 2010 йилги учрашувида имзоланган Декларациясида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, товарлар, сармоялар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун босқичма-босқич, қулай шaroит яратишга қаратилган изчил саяё-ҳаракатлар

мажмуи белгилангани ҳам бугун ўз самарасини бермоқда. ШХТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 миллиард АҚШ долларидан ўтганлигининг ўзи ҳам ҳамкорлик салоҳияти ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Биргина Ўзбекистон товар айланмасининг 45 фоизи давлатларга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

ШХТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саяё-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон ташкилот маконидан миллий ва трансҳегавий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШХТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказий Осиё цивилизацияси минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келган. Табиийки, бунда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўлкаимизнинг ўрни алоҳидадир. Эндilikда глобаллашув ва жаҳон ахборот

цивилизациясининг шаклланиш жараёнида мазкур минтақа учун Ўзбекистоннинг боғловчилик омили янада мустақамлаштириб бормоқда. Ҳамкорлик қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, алал-оқибат миллий ё минтақавий, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизликнинг мустақамлаштиришга олиб келади. Хусусан, Хитойдаги халқаро янгиликлар департаменти директори Вей Синнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ҳамда минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича изчил саяё-ҳаракатлари туфайли мамлакатнинг халқаро обрў-эътибори йил сайин ортиб бормоқда. Республика нуфузли халқаро тизимлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ҳозирги пайтга қадар ташкилотга икки маротаба, яъни 2003 — 2004 ва 2009 — 2010 йиллари раислик қилган. Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ фаолиятини такомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон раислиги даврида — 2010 йилнинг апрелида муҳим тарихий воқеа рўй берди: БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Тошкентга буюрган таширифи чоғида БМТ ва ШХТ қотибиятлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу қарор долзарб масалаларнинг ҳал этилишида биргаликдаги саяё-ҳаракатлар учун мустақам замин яратгани ҳолда икки ташкилотнинг расмий ҳамкорлигини бошлаб берди. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши маросимида БМТ раҳбари Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислигига юксак баҳо бериб, унинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг кўпгина долзарб масалалар ечими учун фавқулодда муҳим эканлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсори қўмондоний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ҳам диққатга молик воқеа бўлди. Зеро, Битим гиёҳвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди. 2010 йилда эса Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Албатта, ШХТ бошқа давлат ва минтақалар манфаатларига қарши қаратилган сиёсий-ҳарбий иттифоқ бўлмай, ўз фаолиятида доимо очиклик тамойилига

амал қилади. Шу сабабли Хиндистон ва Покистондек икки йирик давлатнинг ШХТга аъзо бўлиши нафақат минтақада, балки сайёра миқёсидаги хавфсизликни таъминлашни кучайтиради.

Президентимизнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасидаги бошқа тadbирларга тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ушбу йирик анжуманини юқори савияда ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йирик халқаро анжуман олдида, жумладан, 2016 йилнинг 8 апрелида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йиғирма саккизинчи мажлиси, 13-14 апрель кунлари эса Ўзбекистон Республикаси раислигида ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашилари қотибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти 14 апрель кун ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашилари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош қотиби ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори билан учрашди. Бундай халқаро миқёсдаги тadbирларнинг давлатимиз мустақилиятининг 25 йиллиги кенг нишонланганидан йилда ўтказилаётгани ўзига хос рамзий маънога ҳам эга.

Бу Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ошиб бораётгани, минтақада тинчлик ва барқарорликни асрашда муҳим ўринга эгаллигини билдиради. Бўлажак анжуман давомида ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТга аъзо давлатларнинг 2017-2022 йилларда гиёҳвандликка қарши стратегияси ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастурлари имзоланиши кутилляпти. Бундан ташқари, Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни бажариш бўйича тadbирлар режаси ҳамда ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясининг тасдиқланиши ҳам мўлжалланмоқда. Қисқаси, ШХТ дунёнинг энг нуфузли ва жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга ташкилотга айланди. Шубҳасиз, ШХТ унга аъзо давлатларга дунёнинг турли минтақалари билан иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция учун янги истиқболларни очиб беради ва Марказий Осиёда, ўз навбатида, халқаро миқёсда ҳам хавфсизликни мустақамлашга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

«Ўзархив» агентлиги томонидан «Миллий архив фондининг нодавлат сегментини ривожлантиришнинг долзарб масалалари»га бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Кун тартибида — архив иши

Унда Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини бойитиб бориш, уларни тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Шу билан бирга, республикада давлат архивлари тармоғига кирмайдиган, лекин қонунчиликка мувофиқ тарзда нодавлат архивлари сифатида қайта ташкил этилиши лозим бўлган архивлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда республика бўйича архив муассасаларида жами 37 700 дан ортиқ фонд мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидagi ҳужжатлар сони 8,6 миллион сақлов бирлигини ташкил этади. Шундан Миллий архив фондининг нодавлат қисми 473 500 дан ортиқ сақлов бирлигига тўғри келади. Архив муассасаларидаги 5886 шахсий фонлда 374907 сақлов бирлигидagi ҳужжатлар мавжуд.

«Архив иши тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республика архив муассасалари фаолиятида ижобий ўзгаришларга асос бўлди. Қонунда Миллий архив фонди тушунчаси ва уни архив ҳужжатлари билан мунтазам равишда тўлдириб боришни таъминлаш борасида янги тартиблар киритилди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлатга тегишли ва давлатга тегишли бўлмаган қисмлардан ташкил топган бўлиб, унга киритилган архив ҳужжатлари халқимиз маданий меросининг ажралмас қисмидир ва уларнинг сақлов муддати чекланмаган, яъни доимий сақланади. Нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижа-сида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек, жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини ташкил этади.

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, агар фуқаро томонидан давлат архивига топширилаётган ҳужжатлар тарихий, маънавий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлса, бу ҳужжатлар шахсий фонд сифатида расмийлаштирилади ҳамда сақлов билан боғлиқ тўлов олинмайди. Ута қимматли ёки ноёб ҳужжат топширилган ҳолларда, аксинча, архив фуқародан уни давлат томонидан белгиланган нархда сотиб олиши ҳам мумкин. Нодавлат архив фондининг ҳужжатлари, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хусусий мулк сифатида сақланаётган архивлари юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан берилиши мумкин.

Матбуот анжуманида архив ишига оид бошқа маълумотлар ҳам берилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

Ўзбекистон Республикаси Мустақилиятининг 25 йиллиги арафасида Денов шаҳрида 48 хонадонли кўпқаватли уй фойдаланишга топширилади ва йил охиригача яна 108 ҳовли тўйи ўтказилади.

Янги уйлар

Сурхондарёнинг Денов шаҳри ҳам бугун қурилиш майдонига айланган. Қисқа даврда 20 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда шаҳарнинг Шароф Рашидов номи кўчаси қайтадан қурилмоқда.

— Бу кўчада 48 хонадонга мўлжалланган уч қаватли уй қураёмиз, — дейди Денов туманидаги «Prof group» маъмулият чекланган жамияти раиси Эддор Холиқов. — 20 га яқин техника ва 150 нафардан ортиқ қурувчи меҳнат қилмоқда. Ўзига хос меъморий ечим ва барча қулайликларга эга бўлган ушбу иморатни Ватанимиз мустақилиятининг 25 йиллиги арафасида фойдаланишга топширамиз. Туркистон ҳамда Оқунбобоев номи кўчалар кесилган ҳудудда эса 108 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли уй йилнинг охиригача қуриб битказилади.

— Биз истиқбол шарофати билан ана шундай дорил-амон кунларга етган халқимиз, — дейди ЎЗХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Ҳар биримиз жаннатноманд диёрни асраб, истиқлолнинг қадрига етишимиз лозим. Шитоб билан қурилаётган янги уйлар шаҳримизнинг кўрқига кўрк қўйиши шубҳасиздир.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗ — ЎТМОҚДА СОЗ!

ҲАММА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида «Ешлик» дам олиш оромгоҳи ташкил этилди. Унда биринчи босқичда 115 нафар ўқувчи дам олади. Турли тўғаракларда маънавий-маърифий тadbирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

— Ҳар йили ёзги таътил мавсумида мактабимизда ташкил этиладиган кундузги оромгоҳда уч босқичда 350-400 нафар ўқувчи дам олади, — дейди мактаб директори Дилбар Мавлонова. — Улар ёзги таътилни кўнгилли ўтказиши, мактаб бассейнида сузиш ва турли спорт мусобақаларида иштирок этиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Ёзги оромгоҳда ташкил этилган кутубхонада қизиқарли интеллектуал ўйинлар, викториналар ўтказилмоқда. Ингилзи тили, ёш қаламқашлар, иқтидорли ўқувчилар тўғараклари ишлаб турибди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

■ Футбол бўйича Европа чемпионати 1/8 финал учрашувлари 25 июнда бошланади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

Навоийшунос олим ёди

Мазкур тadbирда иштирок этган таниқли навоийшунос олимлар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари Абдуқодир Ҳайитметовнинг сермазун ҳаёт йўли ва самарали ижодий фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ганиева, академиклар Азиз Қаюмов, Бахтиёр Назаров ва бошқалар зукко назарияти ва ўзбек мумтоз адабиётининг толмас тарғиботчиси Абдуқодир Ҳайитметовнинг инсоний фазилятлари, бадиий-илмий тафаккури ва ижодий қирралари ҳақида қизиқarli маълумотлар келтиришди.

Анжуманда олим таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб нашр қилинган «Забардаст навоийшунос» деб номланган мақолалар тўплами ҳамда олимнинг шогирди Нусратулло Жумаҳўжа томонидан янги наشري амалга оширилган «Навоий лирикаси» монографиясининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Ориф ЖУМАЕВ,
илмий ходим.

Навбат — «плей-офф» баҳсларига



Франция яшил май-донларида футбол бўйича давом этаётган XV Европа чемпионати финал босқичи учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоа ва энг яхши кўрсаткичга эга тўртта учинчи ўрин соҳиб-би кейинги босқичга йўланмани қўлга кири-тади. Айни пайтда бирин-кетин гуруҳ баҳслари поё-нига етиб, «плей-офф» босқичи иштирокчилари номи маълум бўляпти.

Жумладан, «А» гуруҳи-да мезбонлар — Франция футболчилари Руминия

(2:1), Албания (2:0) ва-киллари енгиб, швей-царияликлар билан (0:0) дуранг ўйнади ва бирин-чи ўринни эгаллади. Швейцария терма жамоа-си эса албанияликларни (1:0) мағлуб этиб, Руми-ния (1:1) ва Франция фут-болчилари билан (0:0) му-роса йўлини танлади.

«В» кватретида Англия, Россия, Словакия ҳамда Уэльс терма жамоалари кейинги босқич учун ку-рашга киришганди. Якун-да мусобақа дебютанти — уэльсликлар 6 очко жам-ғариб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Улар англияликларга (1:2) им-кониятни бой берган бўлса-да, Словакия (2:1) ва Россия (3:0) терма жа-моаларини енгди. Гуруҳ-да иккинчи ўрин Англия «чарм тўп» усталарига на-сиб этди. Футбол ватани ҳамда Украина футболчи-лари эса барвақт уйга қай-тадиган бўлишди.

Мусобақанинг энг оғир гуруҳи сифатида қайд этилган «D» кватретидан Испания, Чехия, Туркия,



«С» гуруҳи баҳсларида эса Германия ва Польша терма жамоалари учра-шувларни муваффақиятли ўтказиб, 1/8 финалга йўланмани қўлга кирит-ди. Шимолий Ирландия ҳамда Украина футболчи-лари эса барвақт уйга қай-тадиган бўлишди.

Мусобақанинг энг оғир гуруҳи сифатида қайд этилган «D» кватретидан Испания, Чехия, Туркия,

Хорватия терма жамоалари жой олганди. Унда Хор-ватия вакиллари 7, амал-даги Европа чемпиони — Испания футболчилари эса 6 очко жамғариб, баҳс-ларни давом эттирадиган бўлди. Охириги ўйинда тур-кияликлар Чехия терма жа-моасини 2:0 ҳисобида ен-гиб, уч очколи бўлишди.

Кеча кечкурун «Е» ва «F» гуруҳларида охириги тур баҳслари ўтказилди.

Унда Венгрия — Порту-галия, Исландия — Авес-трия, Италия — Ирландия, Швеция — Бельгия жуфт-ликлари майдонга туш-ди.

Эслатиб ўтамиз, тақ-вимга кўра, Европа чем-пионати 1/8 финал учра-шувлари 25 июнь куни бошланади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК

Маҳаллада янги савдо мажмуаси

ишга тушиши билан 100 нафар кишининг бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 185 янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган

Шеробод туманидаги «Дўстлик» маҳалласида икки қаватли «Шер барака» савдо мажмуаси иш бош-лади. 3 миллиард 900 миллион сўм маблағ сарфланган мазкур иншо-отдан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

— Партияимиз электорати ва-киллари қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги-ни таъминлаш устувор вазифа-ларимиздан бири, — дейди ЎзХДП Шеробод туман кенга-ши раиси Жаҳонгир Йўлдошев.

— Ушбу мажмуанинг шарофати билан 100 оиланинг фаровонли-ги таъминланди. Соғлом она ва бола йиллида 50 дан зиёд ана шундай иншоот иш бошлайди ва 3 мингдан ортиқ янги иш жойла-ри яратилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni муносабати билан Сиз, қалам аҳлини муборакбод этамиз. Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини, ижодий ишларингизда ҳамиша муваффақият, оилавий ҳаётингизда бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз.

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

AGROBANK

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 01:40
Topshirilgan vaqti — 03:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

777030743008

1 2 4 5 6